Аждодларимиз мероси

# ОИЛА ВА НИКОҲ ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАИ

**Мустақилликнинг 12 йиллигини халқимиз ўзгача шодиёна билан кутиб олди. Байрам нашидасини ҳамма соҳадаги ютуқларимизда кўриш мумкин. Яқинда матбуотда "Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи"ни асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони эълон қилинди. Халқимизнинг орзу умидларини рўёбга чиқаришда, ёшлар онгини шаклланишида бундай фармонларни ҳаётга тадбиқ қилишда биз зиёлилар, устозлар, ёшларга ўрнак бўлмоғимиз лозим.**

Умумжаҳон маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган улуғ алломаларимизни хотирлаб, халқаро миқёсдаги анжуманлар ўтказилаётганлиги, улар қолдирган бебаҳо мероснинг ҳозирги замон муаммоларини ҳам ечишга қодир жиҳатлар қайтадан шаклланаётганлиги халқимизга алоҳида сурур бахш этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Бу ҳақдаги етакчи тамойил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йилнинг 1 сентябридан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг "Оила кодекси"да махсус қонун сифатида мустаҳкамланган. Ушбу кодекс нормаларида республикада қурилаётган инсонпарвар демократик давлат вазифаларини бажаришга, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этишга қаратилган қоидалар ўз аксини топган.

Бироқ ҳар қандай ижтимоий қонунлар мажмуини, жумладан оила ва никоқ масалаларига оид мазкур кодексни ҳам мавжуд ижтимоий муносабатларнинг барча эҳтиёжларига бекаму кўст мувофиқ келади, деб айтиш нотўғри бўлади. Сабаби, жамият ривожланиб, тараққий этиб borgани сайин, қонунлар ҳам ана шу жараёнда жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда такомиллашиб бормоғи лозим.

Имом ал-Бухорийнинг "Ал-Жомиъ ас-Саҳийҳ" асарини оила ҳуқуқининг манбаи сифати илмий ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, ислом ҳуқуқининг манбаи бўлган, аждодларимиз одатлари асосида шаклланган ҳуқуқий нормаларнинг аксарияти ҳозирги замон оила ва никоҳ қонунларини умуминсоний қадрият сифатида тўлдириши мумкин. Ҳатто улар айрим замонавий ҳуқуқий нормаларга нисбатан табиий ҳуқуқни таъминлашга кўпроқ мувофиқ келади.

Ҳадисларда, айниқса, оила ва никоҳ ҳуқуқининг, никоҳ тузишнинг тартиб ва шартлари, эр-хотин ва бошқа оила аъзоларининг ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгиласа, никоҳнинг тугатилиши асослари ва тартиби қатор ҳуқуқий нормалар сифатида жуда мукаммал ишланган.

Айрим Ғарб олимлари: "Никоҳ киши эркинлигини чеклаб қўяди, у инсон табиатига зид нарсадир" деган ғайриинсоний, аёлларни енгил ҳаётга чорловчи назарияларни илгари сурмоқда. Жамиятни бундай аҳлоқсиз ғоялардан сақлаш, жамият аъзоларининг барчасига баробар оилали бўлиш ҳуқуқини беришнинг энг тўғри ечими ислом ҳуқуқи, шу жумладан, унинг Қуръони каримдан кейин иккинчи мўътабар манба деб эътироф этилган ҳадисларда қайд этилган. Бу ҳақиқат эса фақат аҳолининг аксарият қисми мусулмон динига мансуб бўлган давлатларда, балки унинг кўпчилигини аёллар ташкил этувчи Шарқий Европанинг айрим славян давлатларида ҳам илғор зиёлилар томонидан эътироф этилмоқда.

Ислом ҳуқуқига кўра, никоҳ— бу фарзанд туғилишини қонунлаштириш мақсадида тузилган ўзига хос хусусий битим бўлиб, у ҳар бир аёлнинг никоҳга кириш ва оила қуриш ҳуқуқини эътироф этган ва кафолатлаган. Никоҳнинг шартномавий хусусиятларидан келиб чиққан шариатнинг оила ва никоҳ нормалари никоҳга кирувчилар учун бир қатор ҳолатлар, чунончи, никоҳга кирувчи шахсларнинг ўзаро розилиги, никоҳ ёшига етганлик, гувоҳлар иштирокида никоҳ тузилиши, келин учун маҳр белгилаш, томонлар ўртасидаги тенглик ёки кафолат каби ҳолатларни тартибга солган. Бу шартларга риоя этмаслик никоҳни ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин бўлган.

Никоҳга кириш учун аёлларнинг розилиги шарт эканлиги ҳақида шундай ҳадис бор:

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ (с.а.в.) бокира қизнинг розилигини сўрамай, жувонни эса ўзи билан маслаҳатлашмай эрга берилмагай, дедилар.

— Эй Расулуллоҳ, бокира қизнинг рози бўлғонини қандай билинғай?,—дейишди.

Жаноб Расулуллоҳ:

— Сукут қилса, ризо бўлғонидир — деб жавоб қилдилар.

Ислом ҳуқуқига кўра никоҳ тузилиши учун икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл гувоҳларнинг иштироки шарт бўлган.

Никоҳ ёшини аниқлаш эса йигит ва қизларнинг вояга етганлигини аниқловчи омил бўлиб, уларнинг жинсий вояга етганлиги ҳисобланган.

Шариатда никоҳ қилинган вақтда никоҳланувчи эр никоҳланувчи хотинга маҳр бериши шарт.

Ислом ҳуқуқининг оила ва никоҳ қонунчилигида шунингдек, қайси тоифадаги аёлларга уйланиш ман қилинганлиги ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилган. Имом ал—Бухорийда бу хусусда, жумладан қуйидагича ривоят келтирилади:

Ибн Аббос насабдош аёллардан етти навзига (она, қиз, сингил, амма, хола, бирдар қизи, опа-сингиллар қизи) ва эмишганлардан етти навзи (эмизган энага, эмишган сингил, қайнона, ўгай қиз, келин, қайинсингил, келинойи)га уйланмоқ ҳаромдур", — дедилар.

Айни шу ҳолат, гарчи ихчам щаклда бўлсада, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида ўз аксини топган.

Чунончи унинг 16-моддасида, никоҳ тузишга, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташ қариндошлар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида йўл қўйилмайди, дейилган.

Ислом ҳуқуқининг Оила ва никоҳ соҳасида кенг ва батафсил тўхталган мавзулардан яна бири — бу "талоқ" яъни никоҳдан ажралишдир. Бу ўринда "талоқ"нинг фақат айрим муҳим жиҳатлари ҳақидагина қисқача тўхталиб ўтиш билан чекланамиз.

Талоқ — араб тилида "озод бўлмоқ", "ажралмоқ" деган маъносини англатиб, эр томондан эълон қилиниши ёки хотин томонидан талаб қилинганлиги сабабли никоҳнинг бекор қилинишидир. Ажралиш инсонга ниҳоятда оғир руҳий жароҳат етказишини чуқур тадқиқ этган ислом ҳуқуқи турли усуллар билан бу фожиавий ҳодисанинг олдини олишга уринган.

Ҳадисларнинг оила ва никоҳ ҳуқуқининг манбаи сифатида ўрганиш натижасида қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

— Аждодларимиз ислом ҳуқуқининг манбаи сифатида яратган илмий меросининг жумладан, ҳадисларнинг аксарияти нафақат ўтмишнинг, балки ҳозирги замоннинг ҳам ҳуқуқ соҳасидаги долзарб муаммоларини ечиш учун муҳим қўлланма бўла олади.

—Ўзбек ҳуқуқий меросининг таркибий қисми бўлмиш Имом ал-Бухорийнинг "ал—Жомиъ ас—саҳийҳ" асаридан замонавий ҳуқуқшунослик фани ва республика қонунчилигини такомиллаштиришда қадрият сифатида фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Азизахон ЗАЙНИТДИНОВА,**
**шарқшунос олима, профессор.**



Миллий либослар кўркимиз

Назм гулшани

## МЕНИ ИЗЛАНГ ТОҒЛАРДАН



Бу оламга нечун келдинг,
Дебон сўрсанг бу зорингдан,
Бўйи васлинг етиб эрди,
Умидворман висолингдан.

Ёнимда турғонинг вақти,
Қадринг билмай тутолмабман,
Учиб кетгач менинг бахтим
Қувиб асло етолмасман.

На тоғ қолди, на тош қолди,
Югурдим-изладим, елдим,
Тамом жону таним толди,
Ҳалокат чохига келдим.

Ортиқ сира мажолим йўқ,
Сени излаб боролмасман,
На ўлгайман, на кўнглим тўқ,
Хотиржам ҳам туролмасман.

Етиб сенга оху зорим,
Ажиб бир муддат ўлмасму!
Кириб келсанг асал ёрим
Асаднинг бағри тўлмасму!..

***

Мени изланг, тоғлардан,
Кўркам, яшил боғлардан,
Ҳеч қидирманг фисқ-фужур,
Бағри хунук доғлардан.

Мени қўмсаса бир зот,
Номимни айласа ёд,
Тошқин дарёдай озод,
Изласин қирғоқлардан.

Кезиб юрсам лолазор
Бағрида берманг озор,
Соғинганда гўзал ёр
Сийпасин ёноқлардан.

Чиндан излаб чопсангиз,
Излай-излай топсангиз,
Садоқату меҳримиз,
Ўқийсиз қароғлардан.

Изланг, мени тоғлардан,
Лола ўсган ёғлардан,
Асад Асил ўтолган,
Энг қийин сўқмоқлардан!..

## МАРДЛИК УЧУН КЕЛГАНМИЗ...

Ҳаёт экан гоҳида таъқибларга қолдик биз,
Ғийбатлару ҳасадлар балосидан толдик биз,
Нокасу ножинслардан ахир қасос олдик биз,
Ул каби нодонларнинг таъсирини бергаймиз!

Андишанинг отини қўрқоқ дегувчилар бор,
Гар жим юрсанг жиғингга тегурлар такрор-такрор
Ҳатто босиб-янчардан қайтмаслар қилмайди ор,
Бундай қилиқлиларни жой-жойида тергаймиз.

Индамай юраверсак чарчабди деб ўйламанг,
Енгиб оламан деган хомхаёлда бўйламанг,
Тоқатимиз тоқ бўлгач бўлиб қолманг хангу манг...
Истасангиз биз мудом тоққа чиқиш ўйнаймиз!

Чиройли диёнату инсофингиз бўлса гар,
Биз сизни олқишлаймиз умр ўтгунга қадар,
Қарс икки қўлдан чиқар-дўст кунига дўст ярар...
Дўстгинам, бу дунёга мардлик учун келганмиз!

***

Сочларим қайтадан қорайса,
Юздаги чизиқлар торайса,
Хайратдан на гап деб сўрайман:
Индамай жилмайиб қарайсан...

Фарзандлар камолга етсалар,
Дилларда қолмаса ҳеч алам,
Дўстларим қошимда турса жам,
Бахтимиз саҳнида яйрайсан.

Ташвишлар йўлиқса кун сайин,
Бошимиз эгади, бу — тайин,
Шунда сен овутиб атайин,
Авайлаб сочларим тарайсан.

Қолмаса сира бир имконим,
Ўзимга бўйсунмас ҳеч таним,
Илинжим: бир томчи сув маним
Шу дамда кунимга ярайсан!..

**Асад АСИЛ.**

Донолар дейдики...

## ЎНТА АЙБНИ ОРТИДАН ЭРГАШТИРИБ ЮРАДИГАН АЙБ

**Анушервоннинг ўғли Хўрмуз Аҳвоз вилоятига борган пайтда ўша ер ҳокими билан мулоқотда бўлди ва бир куни унга деди: "Сенда ягона бир айбдан бошқа ҳеч қандай айб кўрмадим. Аммо ўша кўрган айбим билгинки, ўнта айбни ўз орқасидан эргаштириб юради".**

Ҳоким: "У қандай айб экан? Орқасидан эргаштириб келадиганлари эса қайсилар, айтиб бер!"— деди. Хўрмуз деди: "Ўша айб керилиш ва ўзни катта тутишдир. Билгилки, унга эргашадиган айбларнинг биринчиси менсимаслик бўлиб, унинг оқибати халқ нафратига йўлиқишдир. Иккинчиси — одамларнинг касбу корини тафтиш ва тадқиқ қилиб, уларга дашном берган ҳолда ўзи эса касб-ҳунарнинг бирортасига ҳам эга бўлмаслик. Учинчиси — ўқишдан ор қилиш, бунинг натижасида илму адабдан бебахра қолиш. Тўртинчиси — ўтиришда барчадан ўзини устун ва доно деб билиш, бунинг натижасида ўзига душман орттириш ва обрўйини ерга тўкиш. Бешинчиси — манманлик туфайли чегарадан чиқиш, баландроқ амални хоҳлаб қолиш, натижада хору забун бўлиб, ўз мартабасидан ҳам ажраш. Олтинчиси — одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилмаслик, беморлардан ҳол сўрамаслик ва шунга ўхшаш нарсалардан кўз юмиш. Еттинчиси — одамларга хавф солиш, уларни масхара қилиш, натижада бекадр бўлиш. Саккизинчиси — маслаҳатсиз иш тутиш натижада хижолат чекиб надомат тортиш. Тўққизинчиси — одамлар мени улуғ фаҳмлайди деб ўйлаш ва шу гумонда юриш. Ўнинчиси — фозил ва комил кишиларга қулоқ солмай, ҳақорат кўзи билан қараш, натижада уларнинг назаридан қолиш.

# МЕҲР КЎРГАЗГАН - МЕҲР ТОПАР

**Дунё яралибдики, дунёнинг шўриши — ғам, алам, ташвиш бор. Дунё яралибдики, бу шўришга тасалли — меҳр-оқибат бор. Бу азалий Қонун — ҳеч қандай механизмнинг зўрловчи кучига муҳтож бўлмаган, балки инсоннинг 72 томиридан оқиб келадиган покиза истак — бебаҳо туйғу. Бу фазилат қайсики юрт одамлари, давлат раҳбарларининг тилида, дилида, бажарган амалларида кўпроқ мустажоб бўлса, ўша юртда қут-барака, бирлик, рўшнолик бўлади. Ўша халқни Худонинг ўзи қўллайди. Бизда ҳам шундай: боқувчисини йўқотган, ногирон, болаликдан ногирон фуқаролар алоҳида қаровга олинган.**

Қолаверса, серфарзанд, кам таъминланган оилаларга ҳам ижтимоий ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Мана 12 йилдирки бу ҳол ўзига хос анъанавий тадбир — давлатимизнинг доимий хайрли сиёсатига айланган.

Бизга Чиноз туман ижтимоий таъминот бўлимидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилишича биргина Тошкент вилояти, Чиноз туманининг ўзида 13 минг 418 нафар нафақа олувчи бўлиб, шундан 1 минг 92 киши ижтимоий нафақа билан таъминланаётир.

Бир қарашда ҳеч қанча бўлмаган бу рақам ортидаги бир йиллик ҳисоб-китобни чамалаб кўрсангиз давлатимизнинг бир йилда нафақага сарфлайдиган ўртача маблағи келиб чиқади. Ана шунда нафақанинг моҳияти кўз ўнгингизда намоён бўлади.

Дарвоқе, Чиноз туман ижтимоий таъминот бўлимининг ўзида 3 минг 205 нафар турли ёшдаги ногиронлар бўлиб, улар ҳам ўзига хос меҳр-мурувватдан баҳра олишаётир. Зеро, жамиятда ҳар қандай шахснинг ўз ўрни бор, қолаверса, ўша кўнгли ўксик юртдошларимиз биримизнинг акамиз, биримизнинг укамиз, бошқа бировимизнинг жондан азиз синглимиздир. Шу важдан ҳам уларнинг кўнглини олиш, нафақат давлат иши, балки ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз ҳамдир.

Бу ҳол Чиноз туманида ўзига хос тартибда, маълум тадбирлар баҳонасида амалга оширилаётир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги 212-сонли Фармонига асосан ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган 35 нафар ёлғиз қарияларга туман ижтимоий таъминот бўлимининг 6 нафар кўмакчи ходимаси беминнат хизмат қилаётир. Шунингдек, бу 35 нафар қария ҳар ойда 9 хил ижтимоий аҳамиятга эга бўлган озиқ ва ноозиқовқат маҳсулотлари билан бепул таъминланишаяпти.

Тумандаги 26 нафар пенсионер эса турли сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклаб қайтишди. 5 нафар ногиронга ногиронлар аравачаси, 1 нафарига эшитиш мосламаси, 17 нафар ногиронга протез-ортопедия маҳсулоти олиш учун талонлар тарқатилган бўлса, яна қанчалаб меҳрга муҳтожларга ҳасса, қўлтиқтаёқ ва бошқа шунга ўхшаш мосламалар бепул олиб берилди.

"Наврўз" ва "Мустақиллик" каби байрамларда юзлаб кам таъминланган оилалар якка ёлғиз қариялар байрам баҳона сийланди. Шулар қаторида уруш ва меҳнат фахрийларига ҳам ўзига хос меҳр-саховат кўрсатилди. Ваҳоланки, Чиноз туман ижтимоий таъминот бўлимида қилинаётган бу хайрли ишлар республикамиз бўйлаб амалга оширилаётган саховатпешаликнинг бир чимдими, холос. Зеро, бизнинг давлат инсонийлик, меҳр-мурувват каби азалий қадриятларга йўғрилган тамойилларнинг бош ислоҳотчисидир. Бундан кўнглимизда ҳар қанча фахру ифтихор туйсак арзийди.

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
**"Адолат" мухбири.**

Давоми. (Боши ўтган сонларда)

# ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

***Эзгу ниятим — юртим Ҳур кўрай,***
***Кексалар дуосин ижобат кўрай.***

— Мен, — дейди Ибрат исмли дўстим, — ҳаётимда эл-юртнинг назарига тушадиган барча муваффақиятларимга фақат дуо туфайлигина эришганман. Айниқса, ота-онам мендан рози бўлдилар ва доим дуо қилишиб Оллоҳдан яхшилик тилашди. Азалдан сўзнинг мазмун-моҳияти, мўлжаллаб, эҳтиёткорлик билан айтиш сабаблари бир талай. Оғиз бир қўрғон бўлса, тил шу қўрғон ичидаги "аждаҳо"дир. Тил жим бўлса ҳеч зиён-захмат келтирмайди. Аммо қўрғон эшиги очилиб, у ҳаракатга келганида борми, ё бировни хафа қилади, ё бировни ҳушнид этади. Шундай, сўздан-сўзнинг фарқи бор. Яхшилик билур, ёмонлик нени билур, дейдилар. Ҳа, сўзнинг дуога нима алоқаси бор дерсиз. Чунки, яхши сўздан шодланган киши, албатта раҳмат айтиб, сизни дуо қилади.

Мусулмончилик йўлида қилинадиган барча маърака-тадбирларнинг сўнггида дуо ўқилади. Биргина моҳи Рамазон ойи рўзасини олиб қарайлик: саҳарликдан сўнг оғиз ёпишда ҳам, ифторликда оғиз очишда ҳам дуо ўқилади. Қолаверса, биз адо этадиган намозлардан сўнг ҳам дуо қилинади. Мусулмончиликда барча ибодатлар, барча ишларнинг ниҳояси ҳам дуо билан якун топади. Албатта, эзгу ният қилишлик ҳам дуодан иборат. Барча амалларнинг ўз дуоси бор: ётиб туришда ҳам дуо ўқилади. Ҳатто, саёҳат-сафарларидан омон-эсон келиш учун ҳам дуо ўқиймиз. Дуонинг хосияти, баракоти жуда кўпдир. Шу ўринда яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларига мурожаат қиламиз.

Кунларнинг бирида Расулуллоҳ (с.а.в.) соҳибаи икромлари билан бир қабристондан ўтиб кетаётган эдилар. Пайғамбаримиз (с.а.-в.)га кўриндики, бир қабрдан нур, бошқа бир қабрдан эса тутун чиқиб турарди. Бу ҳолатни саҳобаларга баён қилдилар. Улар ҳайрон қолишиб, бу ҳолатнинг сабабини сўрадилар. Шунда Пайғамбаримиз (с.а.в.) таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиб бўлганларидан сўнг, Оллоҳга мурожаат қилиб, бу воқеадан хабар беришликни сўрадилар: "Эй ҳабибим! Нур чиқиб турган қабрда ота-онасини, юртини ва динини улуғлаб ўтган бандам ётибди. Унинг ҳаққига ўқилиб турган дуонинг шарофати туфайли ҳам қабр мунаввар ва ундан осмонга нур чиқиб турибди. Тутун чиқиб турган қабрда эса аксинча гуноҳкор бандам қилмишлари, дилозорлиги, бузғунчилиги, фиску-фужир ишлари туфайли қарғиш олган, яъни лаънатланган бандам ётибди. У дуоибад қилингандир. Менинг ҳузуримда ҳар бир банда ўз қилмишига яраша ажир — мукофотини ва жазосини олғусидир", — деган жавобни олдилар. Воқеани эса Пайғамбаримиз (с.а.в.) саҳобаи-икромларига айтиб бердилар.

***

***Оллоҳ ризосидан ортиқ не бор,***
***Нима бор ортиқроқ эл дуосидан.***

Дуонинг хосияти ҳақида сўз юритар эканмиз, бир воқеа ҳамон ёдимга тушиб туради. Мустақилликни энди қўлга киритган дастлабки йиллар эди. Оммавий ахборот воситаларида сўз эркинлиги кўзга ташланган пайтлар. Қадриятларга муносабат ижобий томонга ўзгарган. Диний эркинлик туфайли мўмин-мусулмонлар қалбида эътиқод учқунлари кўртак кўрсатаётган йиллар эди.

Тожикистон Республикасининг пойтахти Душанбе шаҳрида яшовчи Саидаҳмад исмли танишим Тошкентга меҳмон бўлиб келдилар. У кишини шаҳримиз театрларидан бирига тарихий мавзудаги саҳна асарини кўришга таклиф қилдим. Рози бўлдилар. Театрда спектаклни томоша қилдик.

Уйга келгач меҳмоннинг таассуротларини сўрадим:

— Спектаклда улуғ шайх ролини ижро этган актёр қандай одам? — сўради у.

— Ўзбекнинг кўзга кўринган таниқли актёрларидан бири, — дедим.

— Биламан, у актёр. Лекин, иймон-эътиқод нуқтаи-назаридан сўраяпман, — деди у.

— Унинг динга бўлган муносабатини яхши билмайман-у, бироқ баъзан ичиб, чекиб турадилар, — дедим.

— Ҳа, баракала! Энди ўзингизга келдингиз. Бундай ролларни руҳан пок, ҳалол одамлар ижро этгани яхши. Бўлмасам, азиз- авлиёларнинг сиймосини яратишга ҳар ким ҳам журъат этаолмайди. Билсангиз бир вақтлар бизнинг Душанбе шаҳрида қизиқ бир воқеа бўлганди. Таниқли бир актёрга, улуғ бир шайхнинг образини яратиш таклиф этилади. У "Йўқ, мен бундай ролларни ижро этишга ҳозирча тайёр эмасман", деб рози бўлмайди. Аммо бошқа бир шуҳратпараст ёш актёр "юқорида"ги танишларини ишга солиб, шайх образини яратишга киришиб кетади. Сув кўрмасдан туриб, этик ечадиган баъзи бир журналистлар спектакль яратилаётгани, бош рол ижрочиси ҳақида шов-шувлар ҳам кўтаришади. Бироқ, ўша спектаклнинг тақдимот куни ёш актёр бехосдан оламдан ўтди... Шунақа, буни ўша вақтда кўплар: "руҳлар унга йўл бермади", дейишди.

— Сизнингча, биз кўрган спектакльда ҳам актёр, ўз ролини маромига етказа олмаганига улуғ авлиёнинг ўзи сабаб-ми?

— Шундай! Азиз авлиёлар ва улуғ саркардаларнинг ролини ижро этиш, бу — юксак масъулиятни талаб этади. Нафақат ролни ижро этиш, балки, бундай шахслар тўғрисида асар ёзиш муаллифнинг руҳий тайёргарлигига ҳам боғли қ бўлади. Шу боисдан ҳам кўпгина тажрибали, машҳур кишилар, бундай шарафли ишга қўл уришдан олдин ўзларининг қуввaи-қудратини эътиқод тарозисида ўлчаб кўриб, сўнг руҳларни шод этиш, авлодларга маънавий озуқа бериш каби масъулиятни елкаларига оладилар ёки олмайдилар, — дейди танишим.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда демократик яъни, эркинликни тўлиқ англай олмай туриб, бундай олижаноб ишларга, шуҳрат орқасидан ўзини ураётган ижодкорларни кўриб турибмиз.

— Бир режиссёр йигитни яхши биламан, — дейди Ҳайдар ака деган танишим. — У киши ўзларига зеб бериб, улуғ дин пешволари ҳақида ёзилган асарни саҳналаштириб, ҳатто бу улуғлар образидаги матнларни ўзи ўқийди. Тўғри, бу киши катта истеъдод соҳиби, бироқ руҳан улуғ авлиёлар образини талқин этишга ҳали тайёр эмас. Бу ҳақда айрим санъаткорлар у-бу гапларни айтиб юришди. Орадан кўп вақт ўтмасдан, ўша санъаткорнинг овози бўғилиб қолди. Саломатлиги заифлаша бошлади. Энди эса: кўпчилик "Бу киши улуғлар руҳини кўтара олмади-да!", дейишмоқда.

## Маънавият сабоқлари

Пайғамбаримиз (с.а.в.): "Эй Оллоҳим! Менга хуш хулқ ва одоб-аҳлоқда ўзинг доим мадад бергин!" деб дуо қилиб юрарканлар. Руҳларни шод этиш, ота-она ва пиру комилларнинг дуосини олиб юришликда жуда ҳикмат кўп. Шунинг учун ҳам бирон-бир хайрли ва савобли ишга қўл уришдан олдин, ижодкор ўзининг руҳиятини ҳам албатта бир чамалаб кўрмоғи лозим. Бир гал яхшигина бир адибнинг: "Мен қандай одам бўлишимдан қатъий назар, улуғ авлиё ҳақида асар ёзиб қўйганман", деб мақтанганлигини биламан. Асарлар авваллари ҳам ёзилган, ҳозирда ҳам, кейин ҳам ёзилаверади. Ҳеч қачон ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмайди. Бироқ, диний қадриятлар билан боғлиқ бўлган мавзулар руҳан поклик ва руҳан эътиқод ҳалоллигини талаб этади. Биз бу мавзуда қори бўламизми, имо-ҳатиб бўламизми, шоир ёки адиб бўлиб асар ёзамизми ёки қўшиқ куйлаб, роллар ижро этамизми, барибир ҳам юқоридаги ҳолатларни эътиборга олмоқлик керак. Чунки, Расули акрам (с.а.в.) "Иймон-покликдадир!", деганлар. Иймон, эътиқод, поклик ва ҳалоллик ислом динида бир кўркам қасрнинг бежирим, гўзал либослари ҳисобланади. Ҳазрат Аҳмад Яссавий, Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Термизийлар, Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом Бухоройй, Имом Мотурудий, Бурхониддин Марғилоний, Баҳовуддин Нақшбанд каби улуғ инсонларнинг сиймосини яратиш, улар ҳақида асар ёзиш жуда ҳам шарафли эканлигини яхши биламиз.

Бироқ, яна айтамизки, руҳий поклик ва эътиқодлилик, бу ҳолатда, биринчи ўринда туради. Одатда савоб қиламан деб, гуноҳ орттириб қўймаслик керак деймиз. Тирик жон, айниқса ижод аҳлининг униб-ўсиши, камол топишининг асоси эса дуо олишликда, Оллоҳни, унинг пайғамбарлари ва улуғ ва азиз-авлиёларининг руҳини шод этишликда намоён бўлади. Дуо демакки, ўтган бандаларнинг ҳам руҳини шод этиш учун зарур экан. Дуо руҳ ва арвоҳларни шод этади, озиқлантиради ва тинчлантиради. Биз учун эса ана шу жиҳати зарурдир.

**Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**доцент.**
**(Давоми бор.)**

# САОДАТНИНГ САОДАТИ

**Саодат ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида тарбиячи бўлишни орзу қилар эди. Интилганга толе ёр, деганларидек етуклик аттестатини олганидан кейин у Каттақўрғон педагогика билим юртига ўқишга кирди. Ўқув юртини битирганидан сўнг Муллакичкина қишлоғидаги болалар боғчасига ишга келди.**

Тарбиячилик шарафли касб,—деди боғча мудираси,—болаларнинг келажаги ана шу касб эгасининг меҳнатига боғлиқ. Ёшларни ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиши учун уларни меҳр билан тарбия қилишимиз керак.

Саодат устози ўгитига амал қилиб, болаларга меҳрини берди. Уларнинг ҳар бирини ўз фарзандидек ардоқлади. Жажжилар ҳам тез кунда меҳрибон мураббийсига ўрганиб қолишди. Саодат болаларга нисбатан меҳрибонлиги, ташкилотчилиги ва билимдонлиги билан ҳамкасблари ўртасида ҳам обрў эътиборга сазовор бўлди.

Уч йилдирки Саодат Сағдиева Муллакичкина қишлоғидаги болалар боғчасининг мудираси. Бу фидокор аёл болаларга яхши тарбия бериш; уларни соғлом ўсиши учун барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Гўдаклар дам олаётган хоналар ва улар яйраб ўйнаётган майдончалар Саодатнинг саъй-ҳаракати билан таъмирдан чиқарилди. Турли хил ўйинчоқлар келтирилди.

Саодат соғлиқ — озодаликка боғлиқ эканлигини яхши тушунади. Шу боис ҳам у дам олиш хоналарини доимо озода тутиш, болалар ётадиган чойшабларни ювиб дазмоллашга жиддий эътибор беради. Айниқса, болалар овқатланадиган идиш-товоқларнинг тозалигидан доимо хабардор бўлиб туради. Шунинг учун ҳам бу боғчадаги болалар бардам ва соғлом ўсмоқда.

Саодат Сағдиеванинг ана шундай фидокорлигидан кичкинтойларнинг оналари ҳам беҳад мамнун бўлишаётир. Оналарнинг болалардан кўнгли тўқ бўлганидан "Умрингдан барака топ, Саодат" дейишмоқда.

**Ҳамро ШОДИЕВ,**
**жамоатчи мухбир.**

